Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
13 октябрь
ШАНБА

№ 82
(12.510)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

**Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида "Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўрни ва аҳамияти" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Анжуман Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасига бағишланди. Ушбу қонун лойиҳаси ННТлар, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимидаги роли ва ўрнини белгилаш, муҳим давлат дастурларини бажаришдаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратиш, экологик йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш, шунингдек, уларнинг мамлакат ҳудудларида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси йўналишидаги вазиятни мониторинг қилишдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатида мутахассислар томонидан экологияни муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштиришга бағишланган маърузалар ўқилди ва иштирокчилар ўртасида муҳокама қилинди. Якуний натижаларига кўра, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлардан иборат тавсиялар қабул қилинди.

**"Туркистон-пресс".**

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

## ЭРТА ЭККАН ҚАЛИН КЎЧАТ ОЛАДИ

**Киши қайси касбни танламасин, ўз соҳасининг малакали, етук мутахассисига айланса, ишида унум, даромадида барака бўлади, омади юришаверади. Бўкалик фермер Беҳзод Пайшановнинг мутахассислиги – ҳосилот. Тошкент давлат аграр университетининг агрономия факультетини битирган. Ўзи қишлоқда униб-ўсганлиги боис агрономия назариясини ўзлаштириши, амалиёт билан уйғунлаштириши осон кечди. Мана бир неча йилдирки, ҳам ўқиган, ҳам уққан мутахассиснинг етук малакаси фермерликда иш бераяпти. "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" деганлари шу-да.**

Беҳзод Пайшанов бошлиқ "Шаҳзода агро" фермер хўжалигида пахта ва ғалла ҳосилдорлиги барқарор. Ҳар йили ғалладан 50 центнердан ошириб, пахтадан 33-35 центнердан хирмон кўтарилади. Даромад ҳам шунга яраша, албатта.

Гап қуруқ бўлмаслиги учун бу йилги натижаларга назар ташлайлик. 31 гектардан жами 164 тонна буғдой хирмони уюлди. Ҳосилдорлик 50,3 центнерданга тўғри келди. Соф фойда 30 миллион сўмдан ошди. Шартномада белгиланган ғалла давлат эҳтиёжлари учун топширилгач, ўзларига 50 тоннадан кўпроқ буғдой қолди. Бу жамоанинг қирқ кишидан иборат аъзолари учун қўшимча даромад.

Хўжалик давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш шартнома режасини ҳам анча ортиғи билан бажарди. 8 октябрь ҳолатига шартномадаги 128 тонна ўрнига 135 тонна хом ашё топширилди. Бу ҳаммаси эмас. Чунки, ҳали ҳосил тугагани, терим тўхтагани йўқ. Хўжалик шартномага қўшимча 20 тонна пахта топширишни режа қилган.

Ҳосилот қайси экинни қачон экκан маъқуллигини яхши билади. Қолаверса, эрта экκан эрта ўради деган гап ҳам бор. Беҳзод Пайшанов ҳосилот сифатида бу гаплардан яхши хабардор. У пахта терими якуний паллага кириши билан кузги ғалла экишни бошлаб юборди.

– Биз уруғлик ғалла етиштирамиз, – дейди фермер. – Ҳосили обдон йиғиштириб олинган ғўза қатор ораларига "Замин" буғдой навининг элита уруғлигини сепаяпмиз. Тажрибадан маълумки, эрта экилган ғалла қишнинг қаҳратон кунларигача яхши илдиз отиб, қалин туплайди ва совуққа чидамли бўлиб олади. Натижада кўчат қалин бўлиб, мўл ҳосил кафолатланади.



**СУРАТА:** фермер Беҳзод Пайшанов аъзолар билан экиш пайтида.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

«UZBEKISTAN AGROTECHMASH EXPO – 2012»

## ФЕРМЕРЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНИКАЛАР

**"Ўзэкспомарказ"да Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил қилинган "Uzbekistan Agrotechmash Expo – 2012" қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва ускуналари халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди.**

Тадбир Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 майда қабул қилинган "2012-2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилмоқда. Ушбу ҳужжатда мамлакатимиз аграр секторини жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий, юқори технологик қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологик ускуналар билан жиҳозлаш даражасини тубдан ошириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилаш учун хорижий инвестициялар, аввалambор, етакчи хорижий компанияларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини кенг жалб қилиш вазифалари белгиланган.

Ушбу кўргазма мамлакатимизда бундай шаклда илк бор ўтказилмоқда. Унда 12 мамлакатдан 50 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи корхона, суғурта, лизинг компаниялари ва фирмалари, тижорат банклари, хусусан, Хитой, АҚШ, Германия, Голландия, Жанубий Корея, Исроил, Франция, Туркия, Беларусдан агробизнес вакиллари қатнашмоқда.

"Uzbekistan Agrotechmash Expo – 2012" мамлакатимиз агросаноат комплексида янги техник ечимлар, шунингдек, жаҳондаги йирик ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини намойиш этиш учун марказий майдонга айланди. Унда мамлакатимиз ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг агросаноат комплекси корхоналарида маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва бирламчи қайта ишлашнинг замонавий технологияларини жорий этиш учун зарур кенг турдаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва бошқа маҳсулотлар намойиш қилинмоқда.

"Трактор ва тиркама воситалари", "Мелиорация техника ва машиналари", "Ўғит сочгичлар", "Тупроққа ишлов бериш машиналари", "Турли экинларни экиш учун сеялкалар, турли ишларни бажарадиган экиш комплекслари ва машиналари", "Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш машиналари", "Ўриш-йиғиш техникаси", "Озуқа ўрадиган ва тарқатадиган техника, турли хил майдалагичлар", "Боғдорчилик ва узумчилик учун махсус техника", "Истиқболли қишлоқ хўжалиги машиналари", "Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш ускуналари", "Иссиқхона комплекслари" ва бошқалар экспозициянинг асосий бўлимларини ташкил этади.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, агрофирмалар, фермер хўжаликлари вакиллари бу ерда таклиф этилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси билан танишиб, уларнинг нархи ва сифати бўйича танлаш имконига эга бўлади. Кўргазма доирасида мавзуга оид семинарлар ўтказилади. Уларда мамлакатимиз ва хорижий ишлаб чиқарувчи фирмалар вакиллари таклиф қилинаётган барча янгиликлар ҳақида сўзлаб беради, қишлоқ хўжалиги ходимларини қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтаради. Вазирлик ва идоралар, тижорат банклари мутахассислари халқаро шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш тартибини тушунтиради.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

## ТАДБИРКОРГА ЗИЁН ЕТКАЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ

**Асосий Қонунимизда мулкдорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги кафолатланган. Мамлакатимизда барча хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этаётгани ушбу конституциявий тамойилнинг амалдаги ифодасидир.**

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 54 фоизи, саноатнинг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Иш билан банд аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базасининг яратилгани бундай юксак самараларнинг муҳим омили бўлмоқда. Бизнес субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларга барҳам бериш, текширишларни кескин камайтириш, тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлигини назарда тутадиган туркум қонунларнинг қабул қилингани уларнинг эркинлигини таъминлаш имконини бераётир.

2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган "Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун бу йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тадбиркорлик субъектлари эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар иқтисодиётимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши котиби Эркин Жўраев. – Текширишларни тартибга солиш бўйича кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида ҳозир тадбиркорлик субъектларининг ўртача икки фоизи фаолиятида текшириш ўтказилмоқда, холос. Бундан ўн йил олдин мазкур рақам 33 фоиздан ошар эди. Бошқача айтганда, ҳар уч тадбиркордан бирининг фаолияти тафтиш қилинган. Шунинг ўзи ҳам ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар кўлами ва аҳамиятини яққол намоён этади.

Қонуний текширишлар камайиши билан бирга, ноқонуний текширишлар деярли барҳам топди. Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида бундай ҳолат умуман қайд этилмагани фикримизнинг далилидир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун қонун асосида жавобгарликнинг жорий этилгани бу жараёнга янада самарали таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Шу маънода "Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ўз вақтида, жамиятимиз равнақи, иқтисодиётимиз тараққиётининг муҳим таянчи бўлган тадбиркор манфаатини ўйлаб қабул қилинди.

Ушбу қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жазо чораларини қўллашни назарда тутувчи моддалар киритилди.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2411-моддасида хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланган эди.

Энди янги қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёҳуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш, текширишлар ўтказиш, ушбу субъектнинг фаолиятини ва банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бараваридан эллик бараваригача жарима солинади.

Шунингдек, янги қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 2061-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, юқорида қайд этилган ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, содир этилган ҳаракатларнинг оғирлик даражасига қараб, энг кам иш ҳақининг бир юз эллик баравари миқдорида жарима солишдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо чоралари қўлланиши белгиланди.

Бошқача айтганда, маъмурий жазо қўлланилгандан кейин хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш энг кам иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёҳуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хўжалик юритувчи субъектга кўп миқдорда зарар етказилганда, бу такроран бўлса ёки рецидевист, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилса, энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима солинади, муайян ҳуқуқлардан ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектга жуда кўп миқдорда зарар етказилса, бу уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаб қилинган ёки масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жаримага тортиш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қонунчилигимиздаги бундай янгиликлар халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам тўла мос келади. Жумладан, Германия, Голландия, Хитой, Малайзия, Австрия, Болгария, Польша, Сингапур каби давлатлар қонунчилигида ҳам хўжалик юритувчи субъектларга жиддий зиён етказилганда жарима билан бир қаторда озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, янги қонун билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувларнинг олдини оладиган мустаҳкам тўсиқ қўйилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг реал даромадларини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Сиёсий жиҳатдан етук раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш: амалиёт ва янги тажрибалар" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

## АМАЛИЁТ ВА ЯНГИ ТАЖРИБАЛАР

Мамлакатимиз раҳбари ҳуқуқий демократик давлатни ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларни мукаммал даражада бажара олиш лаёқатига эга бўлган олий даражадаги раҳбар кадрларни тайёрлаш масаласига жуда катта эътибор қаратаётгани таъкидланди.

Республика Президенти 2012 йил апрель ойида имзолаган фармонда Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Бундан кўзланган мақсад – давлат ва жамият бошқаруви соҳасида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини изчил ривожлантириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантиришдан иборат. Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Давлат ва жамият қурилиши академияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси деб ўзгартирилди.

**Умида ШУКУРОВА.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ – ҲИМОЯДА

**Истеъмолчи бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг энг фаол аъзоси десак, муболаға бўлмайди. Чунки у ҳам харид қилувчи, ҳам фойдаланувчи, ҳам ишлатувчи, бир сўз билан айтганда, бозорнинг асосий истеъмолчисидир. Шунинг учун республикамизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бозорда сифати паст, одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига зарар етказувчи товарларнинг сотилишига йўл қўймаслик билан бирга аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси вазифасини бажарувчи Фахриддин Солиев билан суҳбатимиз шу соҳадаги ишлар, кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида бўлди.

**– Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштириб боришга қаратилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қай даражада амал қилиши одамларнинг уларни қанчалик яхши билиши ҳамда ўзларига берилган имконият ва ваколатлардан тўғри фойдаланишига боғлиқ. Бунга эришиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?**

– Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа ҳужжатлар Федерация ва унинг ҳудудий бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади.

Истеъмолчи тўғрисида гап борганда, кўпинча бозор ёки дўкондан нарса харид қилган киши тушунилади. Аслида давлат ёки мулк шаклидан қатъи назар ҳар қандай ташкилотнинг хизматидан фойдаланаётган киши истеъмолчидир ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, ваколатлари қонун асосида белгилаб берилган. Шунинг учун асосий эътиборни биринчи навбатда жойларда юқоридаги қонунларга амал қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш масалаларига қаратмоқдамиз. Шу мақсадда бирлашмамиз оммавий ахборот воситаларида "Истеъмолчи бурчаги" рукнини ташкил этиб, нафақат тарғибот-ташвиқот ишлари, балки истеъмолчилар ариза ва мурожаатларининг жавоблари ҳам эълон қилиб борилмоқда. 2012 йилнинг 9 ойи давомида республика, вилоят, туман, шаҳар босма матбуот нашрларида, радио ва телевидениеда 140 дан ортиқ чиқишлар қилинди.

Биз тарғибот ва тушунтириш ишларини бевосита жойларда олиб боришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Мутахассисларимиз Бўстонлиқ, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳрида долзарб мавзуларда мулоқотлар ўтказишди. Мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида, шунингдек корхона, ташкилот ва маҳаллаларда 450 дан ортиқ турли мавзуларда ўқув семинарлари, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундай учрашувларда истеъмолчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишмоқда.

Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан ўтказилаётган сўровномалар ҳам яхши натижа бермоқда. Яқинда туман ва шаҳар жамиятлари мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ўрганиш юзасидан сўровнома ўтказиб, 2100 дан ортиқ истеъмолчининг фикрларини ўрганди ва маълумотлар таҳлил қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вилоят халқ таълими бошқармасига тегишли хат юборилди. Келгусида бундай тадбирларни бошқа соҳа ва тармоқларда ҳам ўтказиш режалаштирилган.

(Давоми 3-бетда).

**«UZBEKISTAN AGROTECHMASH EXPO – 2012»**

# ФЕРМЕРЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНИКАЛАР

Ташкил этилган мазкур кўргазма маҳсулотлар хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Павильонлар ва кўргазма майдонларида жами 100 турдан ортиқ техника воситалари намойиш этилмоқда. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари ҳам эътиборга сазовордир. "Тошкент трактор заводи" очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган универсал тракторлар, экскаваторлар, тиркамали тележкалар, цистерна ва бошқа осма мосламалар шулар жумласидан. Улар агрокомплекснинг ўсимликшунослик, чорвачилик, маҳсулотларни қайта ишлаш, мелиорация каби турли соҳаларида қўллаш мумкинлиги билан ажралиб туради.

"Lemken Chirchiq" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси хорижий шериклар билан самарали ўзаро ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади. Корхона қисқа муддат ичида фермерлар орасида харидоргир "ЕвроПал" осма айланма плуг, "Варио-Пак" тупроқ зичлагич, "Циркон" ротация бороноси, "Смарагд" универсал дискли культиватор каби турли қишлоқ хўжалик мосламаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

"Смарагд" сурхондарёлик фермер А. Эшматовга жуда маъқул келди. У – турли қишлоқ хўжалик экинларни етиштириладиган кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари. Унинг айтишича, ушбу универсал агрегатни турли вариантлар – экин ўриб олинган ерга ишлов бериш ва уни экишдан олдин тайёрлашда қўллаш мумкин. Бошқариш осон бўлган ушбу мосламаларни тракторга қўшиб, 260-400 сантиметр кенгликда ерни чуқур ҳайдаш имкони мавжуд.

"Агрегат заводи" очиқ акциядорлик жамияти ҳам қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотлар – пахта сеялкалари, вентиляторли пуркагич, тупроқни чуқур юмшатгич, ғўзани чеканка қилиш, гербицидлар сочиш мосламалари, минерал ўғитлар сочгич, роторли косилка-майдалагичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шуниси муҳимки, барча моделлар мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқарилган тракторларга осон тақилади, улардан Ўзбекистон ва қўшни давлатларнинг деҳқончилик қилинадиган барча ҳудудида фойдаланиш мумкин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йил давомида фаолият олиб бориладиган ва турли ҳамда сифатли техникага талаб катта бўлган қишлоқ хўжалиги секторида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабли мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари импорт қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналарини харид қилиб, валюта харажатларини камайтириш, эҳтиёт қисмлар, узеллар, бутловчи буюмлар ва агрегатларни ўзимизда ишлаб чиқариш ҳамда пировард натижада маҳсулотларни тўлиқ мамлакатимизда тайёрлашга ҳаракат қилмоқда. "ЎзКейсмаш" ва "ЎзКейстрактор" Ўзбекистон-Америка қўшма корхоналарида шундай ишлар йўлга қўйилган. Бу ерда "New Holland TL100", "TS135" тракторлари, "Case IH 1200" сеялкалари ишлаб чиқарилмоқда. Мижозларга буюртма асосида "Case IH Puma", "Magnum" тракторлари, "B90B" юк функциясига юклагич-экскаваторлар ва "E215B" экскаваторлари етказиб берилаётир.





Қўшма корхоналарда ускуналар ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси ҳозир қарийб 40 фоизга етди. Хусусан, "New Holland TL100", "TS135" тракторлари, "Case IH 1200" сеялкалари кабиналари, экскаватор-юклагичлар ва бошқа қатор эҳтиёт қисмларни тайёрлаш йўлга қўйилди. "Ўзкейсервис" қўшма корхонасининг сотишлар бўйича менежери М. Ҳамраевнинг сўзларига кўра, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган техникалар мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етказиб берилмоқда, улар эҳтиёт қисмлар билан таъминланмоқда, сервис хизматини кўрсатиш ташкил қилинган. Яқин келажакда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида яна бир қанча турдаги техника ва уларнинг деталларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг", "Ўзмелиомашлизинг" ва бошқа лизинг компаниялари кўргазма майдонларидан самарали фойдаланмоқда. Улар фермерларга қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналар ва ускуналарни лизинг асосида таклиф этмоқда. Ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминлашнинг илғор услубларидан бири бўлган лизинг ундан фойдаланувчиларга ўз фаолиятида энг илғор техникани қўллаш учун кенг имкониятлар очиб беради.

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" ўзимизда ишлаб чиқарилган 40 турдан ортиқ техникани лизинг асосида тақдим этмоқда. Компания 2001 йилдан то шу кунгача умумий қиймати 680 миллиард сўмлик 40 мингдан зиёд қишлоқ хўжалиги техникасини мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берди. Президентимиз Ислом Каримовнинг иқтисодиётимиз аграр секторини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани натижасида фермерларимиз 2000 йилдан буён техникани ўн йил муддатга лизингга олиш имкониятига эга бўлмоқда. Бунда олдиндан тўланадиган тўлов лизинг объекти умумий қийматининг 15 фоизини ташкил қилади.

"Ўзмелиомашлизинг" ҳам сув хўжалиги ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва фермерларга турли суғориш техникаси, машиналар ҳамда бошқа механизация воситаларини имтиёзли шартлар асосида таклиф этмоқда.

Бу ерга ташриф буюрганлар кўргазманинг чет эллик иштирокчилари билан ҳам яқиндан танишди. "Guizhou Jonyang Kinetics Co Ltd" Хитой-Сингапур қўшма корхонаси ва Хитойнинг "LiuGong" компаниясида ишлаб чиқарилган занжирли ва ғилдиракли экскаваторлар, тракторлар ва бульдозерлар ишончлилиги ва сифати билан ажралиб турди. Электрон ва компьютерлаштирилган "Миди-Лайн" соғиш мосламалари (Германия) чорвачилик комплексларининг сут тайёрлаш унумдорлигини анча оширишга ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз истеъмолчиларига қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналар ва ускуналарни кўргазмада тузилган шартномалар асосида қўшимча тендер савдоларисиз сотиб олишга рухсат этилган.

"Uzbekistan Agrotechmash Expo – 2012" қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва ускуналари халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ва бўлажак мижозларга кўрсатиладиган хизматларни кенг намойиш этиш, узоқ муддатли яқин шериклик муносабатларини ўрнатиш ва ўзаро манфаатли шартномалар тузиш имконини беради.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**

# ТИЛ – МИЛЛАТ ТИМСОЛИ

**Она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши халқимиз ҳаётида улкан тарихий воқеалардан бири бўлди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида давлат тилининг ҳаётимиздаги аҳамиятини кучайтириш, уни том маънода миллий қадриятга айлантириш борасида беқиёс ишлар амалга оширилди.**

Мамлакатимиз Конституциясида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир", дея қайд этилган. Бу она тилимизнинг қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган бебаҳо маънавий мулкка айланганидан далолатдир. Зеро, тил кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлибгина қолмай, ҳар бир халқ маънавий тараққиётининг ёрқин кўзгуси ҳамдир. Ўзликни англаш, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.

"Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши ўзбек тилининг мавқеини ошириб, унинг қўлланиш доираси кенгайиши ва ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. Фарғона вилоятида ҳам мазкур қонун ижросини таъминлаш, ёш авлодга тилимизнинг бой имкониятларини очиб бериш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, олий ўқув юртларида "Тилга эътибор – элга эътибор", "Ўзбек тили – давлат тили", "Одоб боши – тил", "Она тилим – фахрим, ғururим", "Тил – миллат кўзгуси" каби мавзуларда турли маънавий-маърифий тадбирлар, илмий конференциялар, иншолар танловлари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан октябрь ойида юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўзбек тили ва адабиёти фани ойлиги ўтказилаётгани ўқувчиларнинг тилимизга бўлган ҳурматини янада оширишга, мазкур фанга оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

– Айни кунларда умумтаълим мактабларида ойлик доирасида ўзбек тилига оид турли илмий-маърифий адабиётлар, луғатлар, дарслик ва қўлланмаларнинг тақдимоти бўлиб ўтмоқда, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зикрилло Тешабоев. – Ижодкорлар, тилшунос ва адабиётшунослар, маънавият тарғиботчилари иштирокида ўтказилаётган адабиёт ҳафталиклари, анжуманлар, маърифий кечалар, кўрик-танловлар, интеллектуал беллашувлар ёшларнинг давлат тилига доир билимларини янада кенгайтириш, ижодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётир.

Таълим масканларида давлат тилига бағишланган ўқув машғулотларида она тилимиз қонун-қоидалари, ривожланиш тарихи ва тамойиллари ўқувчи ёшларга пухта ўргатилмоқда. Шу билан бир қаторда, ёшларда тилимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни янада кучайтириш мақсадида нутқ маданияти, тил маданияти тарғиботини янада кенг йўлга қўйиш, ўзбек тили ва адабиёти фан тўгаракларини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўқув машғулотларига илғор педагогик технологиялар кенг жорий этилаётгани таълим мазмуни ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

Фарғона шаҳридаги 4-ихтисослашган умумтаълим мактаб-интернатида "Она тилим – жону дилим" мавзуида ўтказилган тадбирда мамлакатимизда "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

– Мактабимизда ўзбек тили ва адабиёти фани ойлиги доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда, – дейди ўқитувчи Азиза Расулова. – Жумладан, "Тил – миллат кўзгуси" мавзуида очиқ дарслар, турли танлов ва викториналар ташкил этилмоқда. Шунингдек, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, олимлар, шоир ва ёзувчилар иштирокида давра суҳбатлари олиб борилаётир.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БАНК ХИЗМАТЛАРИ МИЖОЗ УЧУН

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл берилмоқда. Негаки, бу соҳа давлат иқтисодиётини ривожлантиришга, шу билан бирга ижтимоий фаровонликни оширишга хизмат қилади. Уларнинг фаолиятини такомиллаштиришда банклар бераётган кўмак тадбиркорлар сафи кенгайишига замин яратаяпти.**



Банклар тадбиркорлар билан ўзаро муносабатни яхши йўлга қўяётгани ишбилармонлар фаолиятини жонлантирмоқда. Ўтган 9 ой давомида банклар кичик бизнес субъектларига 4,2 триллион сўм кредит ажратди. Бу ўтган йил билан солиштирганда 34,2 фоиз кўп.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ёрдам бериш мақсадида 104,8 миллиард сўм кредит ажратилган бўлса, микрокредитлар учун 66 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташкил этган матбуот анжуманида ушбу соҳадаги ишлар сарҳисоб қилиниб, галдаги режалар хусусида сўз борди.

Таъкидландики, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни оилавий бизнесга жалб этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида банклар аҳолига истеъмол кредитлари ажратиш кўламини кенгайтирди. Шунингдек, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида оилаларни уй-жой билан таъминлаш, ёш оилаларга ипотека кредити ажратиш ҳаракати кучайтирилди.

"Қишлоқларда уй-жой қурилиши ва ипотека кредитлари" мавзуида ўтган анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Ирода НОРБОЕВА.**

**"Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Саломатлик" поезди Оролбўйига етиб келди.**

# «САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ ОРОЛБЎЙИДА



Ушбу поездга дори-дармонлар, тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари ҳамда ногиронлар учун махсус мосламалар, шунингдек, 8,5 тонна ижтимоий юк ортилган. Улар мамлакатимизнинг энг чекка ҳудуди – Қўнғирот туманида яшаётган кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий кўмакка муҳтож фуқароларнинг саломатлигини тиклашга йўналтирилади.

– "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу "Саломатлик" поездида жарроҳ, терапевт, ЛОР, офтальмолог, акушер-гинеколог, невропотолог, шунингдек, рентген, ультратовуш текшируви мутахассисларидан иборат тажрибали шифокорлар бор, – дейди "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси марказий клиник шифохонаси бош терапевти Умар Олимжонов. – Улар бир ҳафта давомида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатади.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси деҳқонларимиз етиштирган пахта толасига талабнинг ошишига, уни истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.**

# ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЖАРАЁНИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

INTERNATIONAL UZBEK COTTON AND TEXTILE FAIR TASHKENT 2012

Жаҳон бозорида ўзбек толасига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг тобора ошаётгани далаларимизда етиштирилаётган пахтани ўз вақтида, замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш ва ундан юқори сифатли тола олиш борасидаги ишларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу мақсадда 2007 йил 3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, ушбу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

"Тошкентпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли Бўка пахта тозалаш заводида ҳам мазкур дастур асосида модернизация ишлари бажарилди. Бу ерда барча қулайликларга эга маъмурий ва ишлаб чиқариш иншоотлари, омборхоналар ҳамда ёрдамчи хўжалик объектлари қурилди.

2011 йили Бекобод тумани марказидаги Далварзин пахта тозалаш корхонаси тумандаги "Мавлонов" фермер хўжалиги ҳудудига кўчирилди. Заводнинг янги биносида пахта хом ашёсини қайта ишлаш ва ишчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

– Вилоятимиздаги пахта тозалаш корхоналарини таъмирлаш, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда, – дейди "Тошкентпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Тожиев. – Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида Чиноз пахта тозалаш корхонасининг пахта толасини тойлаш қурилмаси, Алимкент, Бўка, Қорасув, Далварзин пахта тозалаш заводларининг тола ва момиқ ажратиш ускуналари янгиланди.

Айни кунларда Юқори Чирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" пахта тозалаш корхонасини модернизация қилиш ишлари якунига етмоқда. Корхона цехларига синовдан ўтказилган пахта хом ашёсини қуритадиган, тозалайдиган, толани чигитдан ажратадиган энг замонавий қурилма ва ускуналар ўрнатилмоқда. Пахта толасини тойлаш, тойлардан намуна олиш, уларни ўраш, тикиш, вазнини ўлчаш ва тамға босиш операцияларини янада сифатли бажариш имконини берадиган, автоматик тарзда бошқариладиган тизим йўлга қўйилаётир.

Модернизация давомида корхонанинг ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолари, тайёр маҳсулотлар омбори, лаборатория ва тарозихонаси таъмирланиб, замон талаблари асосида жиҳозланди. Ишчилар учун кийиниш, ювиниш, дам олиш, тиббий хизмат кўрсатиш хоналари, 150 ўринли ошхона қуриб битказилди. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш депоси ва сув тармоғи фаолияти йўлга қўйилди.

Бундай модернизация ишлари пахтани қайта ишлаш сарф-харажатларини камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва меҳнат унумдорлигини юксалтириш, пахтадан тола олиш механизмини такомиллаштириш имконини беради. Мисол учун, аввалари корхонада бир кеча-кундузда ўртача 30-40 тонна пахта толаси ишлаб чиқарилган бўлса, энди бу кўрсаткич 50-60 тоннани ташкил этиши, бунинг учун сарфланадиган электр энергияси ўтган йилларга нисбатан 15 фоизга камайиши кутилмоқда. Ўрнатилган замонавий чангютгич мосламалари ишлаб чиқариш жараёнида чанг чиқариш даражасини кескин камайтиришга хизмат қилади.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**ҚОНУН ВА ИЖРО**

# МАРДЛИКНИНГ МУНОСИБ РАҒБАТИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал миллий армиямизнинг барпо этилгани мамлакатимиз тинчлиги ва фаровон ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.**

***Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.***
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 52-модда).

Бу жараёнда армияни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида ҳарбийларимизнинг хизмат ва яшаш шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда рағбатлантиришга ҳам доимий эътибор қаратилмоқда.

"Мустақиллик", "Амир Темур", "Жалолиддин Мангуберди" орденлари, "Жасорат", "Содиқ хизматлари учун" каби медаллар давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтиришга катта ҳисса қўшаётган ҳарбийларимиз меҳнатини қадрлаш, шу билан бирга, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашга хизмат қилаётир.

Президентимиз ташаббуси билан "Мардлик" орденининг таъсис этилгани бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир ЖЎРАЕВ ушбу орденнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

– Халқимиз азалдан фарзандларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган фидойи инсонлар этиб тарбиялаб келган. Достону эртакларда бундай инсонлар қаҳрамон сифатида улуғланган. Асрлар давомида шаклланган бундай маънавий муҳит таъсирида юртимиз фарзандлари мардона қалб ва кучли ирода соҳиби бўлиб камолга етган.

Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда мард ва жасур, Ватанга садоқатли, эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган жонкуяр инсонлар юртимизни янада юксалтириш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилишда фидойилик кўрсатиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таъсис этилган "Мардлик" ордени ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан ана шундай инсонларни муносиб тақдирлашга, хизмат қилади.

2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ "Мардлик"ордени билан ўзини Ватанни ҳимоя қилишга ва она юрт хизматига бағишлаган, мардлик ҳамда жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади. Алоҳида ҳолларда "Мардлик" ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

"Мардлик" ордени Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида берилади. Мукофотлаш тўғрисидаги фармон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Орден билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш, шунингдек, уни топшириш "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

"Мардлик" ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Мазкур орден кўкракнинг чап томонига тақилади. Фуқаро вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден унинг оиласига топширилади.

Мамлакатимиз ўз олдига буюк ва эзгу мақсадларни қўйган. Уларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган, эл-юрт тинчлиги ва равнақи учун ўзини аямайдиган мард ва фидойи инсонлар "Мардлик" ордени билан тақдирланади.

Бу улуғ аждодларимизга муносиб ворисларни тарбиялаш, ёш авлод қалбида она Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни мард ва иродали инсонлар этиб камолга етказишга хизмат қилади.

**ЎзА мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ ёзиб олди.**

**Тошкентда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доиралари ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий ва техникавий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

# ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қатори иқтисодий соҳада ҳам изчил тараққий этаётгани, мазкур семинар ўзаро савдо-иқтисодий, сармоявий ва техникавий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодий соҳада улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири.

Анжуманга Жанубий Кореянинг қатор йирик фирма ва компанияларидан кўплаб вакилларнинг келгани Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит уларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга эътиборини кучайтираётганидан далолатдир. Хусусан, Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, жўғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, юксак интеллектуал салоҳияти, қулай сармоявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани ҳамда юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик кўплаб давлатларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

Семинарда кореялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, Ўзбекистоннинг нефть-газ, автомобилсозлик, ахборот технологиялари каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ялпи ички маҳсулотнинг мунтазам ўсишида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

– Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, техникавий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда, – деди Корея Республикасининг Ульжин уезди губернатори Шин Чанг Йоль. – Ульжин уезди Кореянинг саноати жадал ривожланаётган ҳудудларидан бири бўлиб, машинасозлик, энергетика, кимё, ахборот технологиялари соҳалари анча тараққий этган. Бугунги анжуманда техникавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида эришилган келишувлар бу йўналишдаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Корея Республикасининг Ульсан шаҳри Технопарки ҳамда Ульжин уезди ўртасида техникавий ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ**

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида "Ўзбек фильмларида оила мавзуси: талқин ва таҳлил" мавзуида он-лайн мулоқот бўлиб ўтди.**

## ФИЛЬМЛАРДА ОИЛА МАВЗУСИ

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда таниқли режиссёрлар, санъатшунослар, журналистлар ва ёшлар иштирок этди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф. Муҳаммаджонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Р. Ярашева ва бошқалар навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб вояга етказишда кино санъати энг таъсирчан воситалардан бири эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда миллий кино санъати тобора равнақ топмоқда. Бунёдкор халқимизнинг ҳаёти, азалий анъаналаримиз, умумбашарий қадриятларимиз акс этган кўплаб фильмлар яратилмоқда. Улар нуфузли халқаро танловларда юқори ўринларни эгалламоқда.

Кинофильмларимизда халқимизнинг оила билан боғлиқ қадриятлари, фарзанд тарбияси, оила муқаддаслигини асраш каби мавзуларни ёритиш ижодкорлар олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. Мазкур мулоқотда ҳам асосий эътибор замонавий кинофильмларимизнинг бу борада ютуқлари ва муаммоларини таҳлил этиш, ёшларни глобаллашув жараёнидаги салбий таъсирлардан асрашда кино санъати имкониятларидан оқилона фойдаланиш масалаларига қаратилди.

Қизиқарли савол-жавоб руҳида ўтган он-лайн мулоқотда халқимиз маънавиятини юксалтириш ва миллий қадриятларимизни дунёга танитишда кинофильмларимизнинг аҳамияти хусусида фикрлашилди. Тадбир иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтарилди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ – ҲИМОЯДА



**– Ўтган даврда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қандай натижаларга эришилди?**

– Юқоридаги тадбирларни ташкил этишдан асосий мақсад истеъмолчиларнинг алданиб қолмасликлари ва ҳуқуқлари суиистеъмол бўлмаслигига эришишдан иборат. Шу мақсадда вилоят, шунингдек, барча шаҳар ва туманларда ишонч телефонлари ташкил этилди. Улар орқали истеъмолчилар истаган пайтда ходимларимиз билан боғланиб, ўзларини қийнаётган масала ва муаммо юзасидан керакли маслаҳат олишлари ёки йўл қўйилаётган суиистеъмолликлар юзасидан маълумот беришлари мумкин.

Ишонч телефонлари аҳоли фаоллиги ошишига хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида 350 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушди. Бу хат, ариза ва мурожаатларнинг 298 таси, яъни 85 фоизи ижобий ҳал этилди. Бешта ҳолат бўйича ҳужжатлар тегишли давлат органларига кўриб чиқиш ва чора кўриш учун юборилди. Бундан ташқари, 119 истеъмолчининг мурожаатлари бўйича 73 миллион 12,6 минг сўмликдан ортиқ моддий ва маънавий зарар улар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз истеъмолчиларга кўпроқ ахборот бериш ва ҳуқуқий билимларини ошириб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳудудий бирлашма ва туман-шаҳар жамиятлари қошида ташкил этилган "Ҳуқуқий маслаҳат марказ"лари орқали истеъмолчилар нафақат соҳага оид, балки республикамизда қабул қилинаётган янги қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар юзасидан маълумот олишлари мумкин. 2012 йилнинг ўтган даврида бу хизматдан 300 дан ортиқ истеъмолчи фойдаланиб, тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар олишди.

**– Келгусидаги режалар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг талаб ва эҳтиёжи ҳам ўсиб боради. Бу биздан истеъмол хавфсизлигини таъминлаш, энг муҳими бозорларимизга сифатсиз товарлар кириб келишининг олдини олишни янада такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Ҳудудий бирлашмамиз республика Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси белгилаб берган кўрсатмаларни амалга ошириш, аҳоли орасида, биринчи навбатда ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Келгусида жойларда аҳоли билан юзма-юз мулоқотларни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бундай учрашувларни мактаб, лицей, коллеж ва маҳаллаларда ташкил этишга алоҳида эътибор берилаяпти.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларини қанчалик чуқур билишса ва янада фаол бўлишса, бизнинг саъй-ҳаракатларимиз ҳам шунчалик самарали бўлади. Чунки, ҳамкорликда қилинган ҳаракат нафақат йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни аниқлаш, балки уларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади. Бундан эса биринчи галда истеъмолчи манфаат кўради.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА**
**суҳбатлашди.**

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 26.05.2011 й. № 10-1119/5655-сонли ижро варақасига асосан Ўрта Чирчиқ тумани, Пахтаобод Қ.Ф.Й.да жойлашган сут-товар фермаси бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 324 766 046 сўм. 2. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 7656-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ватандош кўчаси, 2-уй. Бошланғич баҳоси – 80 000 000 сўм. 3. Юнусобод тумани СИБ томонидан 16.09.2011 й. № 22939/10-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 49-уй манзилида жойлашган кўчмас мулк биноси. Бошланғич баҳоси – 678 024 000 сўм. 4. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 21.09.2012 й. № 31833/17-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қ. Ниёзов кўчаси, 5-уй, 32-хонадон. Бошланғич баҳоси – 160 361 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 13 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 13 ноябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 28 ноябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

Лицензия: RR-0052.

**«REAL AUKSION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

"Сирдарё" сув ҳавзаси хўжалиги бирлашмасининг 2012 йил 22 августдги 41-сонли буйруғи ва Юқори Чирчиқ сув иншоотлари бошқармасининг 133-сонли хатига асосан, Юқори Чирчиқ сув иншоотлари бошқармасига тегишли, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12-А уй манзилида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами: 5008582, кузов рақами: 31105050069265, шасси рақами: X96311050512817l0, ранги: оқ (айсберг), автотранспортни қайд этиш гувоҳномаси: ААС № 3507910, давлат рақами 10 968 UAA бўлган, "ГАЗ 31105-411" расумли (Волга) автортранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 957 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 12 ноябрь куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 12 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 19 ноябрь ва 26 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ЁАТБ "HI-TECH BANK"даги қуйидаги махсус аукцион ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 29801000904996600001, МФО 01066, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: (+99895) 177-49-14.

Гувоҳнома № 006795.

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. 07.09.2010 й. № 12895-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и.ч. "ЛУАЗ959М", д/р 11 D 3910. Бошланғич баҳоси – 1 356 863 сўм. 2. 08.09.2009 й. № 18577-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и.ч. "Ваз 21033", д/р 11 M 5206. Бошланғич баҳоси – 2 791 080 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 29 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 3. 17.09.2012 й. № 17944-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и/ч. "ГБА-Ваз-21063-СПГ", д/р 10 E 270 FA. Бошланғич баҳоси – 3 975 331 сўм. 4. 17.09.2012 й. № 17942-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч. "Ваз-21061", д/р 01 A 046 LA. Автотранспорт воситалари Олмалиқ шаҳар АМТФКМИБда сақланмоқда. 5. 17.09.2012 й. № 17943-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. "Нексия Донс", д/р 10 Z 407 EA. 1-сонли ИИБда сақланмоқда. Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 6. 05.09.2012 й. № 8669-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и/ч. "МТЗ-80", д/р EB 04-69. Бошланғич баҳоси – 2 550 000 сўм. 7. 05.09.2012 й. № 8669-сонли ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и/ч. "Тиркама", д/р б/н. Бошланғич баҳоси – 500 000 сўм. "Бекободсавдо" МЧЖда сақланмоқда. Савдога Янгийўл тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 8. 31.05.2012 й. № 14396/3, 06.10.2011 й. № 10-1108/13082-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и/ч. "Форд Таурас", д/р 11 T 3535. Бошланғич баҳоси – 11 609 000 сўм. Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Қодирова кўчасидаги хусусий гаражда сақланмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 13 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 13 ноябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 28 ноябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

Гувоҳнома № 004593.

**МИРЗО УЛУҒБЕК ТЕХНОЛОГИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ МАЪМУРИЯТИ КОЛЛЕЖ ҚОШИДАГИ 200 ЎРИНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ОШХОНАСИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Танловда иштирок этишни хоҳлаган юридик корхоналар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари сўралади:**

1. Фирманинг гувоҳнома нусхаси.
2. Паспорт нусхаси.
3. Банк ҳисоб рақами.
4. Бизнес-режа.

**Мурожаат учун тел.: 265-98-54, 265-98-47.**

**Манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек т., Қорасув-1 мавзеси, Мингбулоқ кўчаси, 1-Б уй.**

Тошкент ахборот ва технологиялари университети томонидан 2010 йилда Султанов Жахонгир Таирович номига берилган талабалик гуҳономаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "AVESTO UNIVERSAL" (ИНН 301171000) сообщает об уменьшении уставного фонда с 127 154 195 сум до 19 550 000 сум.

Претензии принимаются по адресу: ул. Нукусская, дом 89.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 24.09.2007 йилда 001805-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "SHL-VA-R" (ИНН 201817219) хусусий корхонасининг номи "TRUCK LINE TASHKENT" ва ташкилий ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 15.07.2005 йилда 000702-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "OLIMXO`JA-SAVDO" (ИНН 202996004) масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 36 632 499 сўмдан 21 600 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фурқат кўчаси, 15/1-уй манзилида жойлашган "NATIONAL FOOTBALL LOTTERY" хорижий корхонаси (ИНН 205003334, ОКПО 19515190) 02.07.2012 йилдаги № 10-1203/12406-сонли Тошкент шаҳар Хўжалик судининг қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатда 276-98-21 рақамли телефон орқали қабул қилинади. Чет эл инвестициялари иштирокидаги мазкур корхонанинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ҳамда думалоқ муҳри ва бурчак штампи бекор қилинади.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 28.01.2010 йилда гувоҳнома рақами 003519 билан рўйхатдан ўтган "GULZIORA" хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2012 йил 4 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Тошкент вилоят ўқ отиш спорти федерацияси фаолияти тугатилмоқда.

Кредиторлар мазкур эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатда ўз талаб ва эътирозлари билан қуйидаги манзил бўйича вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 93-уй. Тел.: 253-62-85.

"MAKTABGACHA TA`LIM MUASS. RAXBAR XODIM, MALAKASINI OSHIRISH VA QAYTA TAYYORLASH RES. O`QUV-METODIK" давлат корхонаси номига 2003 йил 19 февралда берилган реестр рақами 05-000599 бўлган гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига биноан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2012 йил IV чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:**

*1. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти (ГОСТ 779-55)*
*2. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти (O'zDSt 148-2001, ГОСТ 16351-86) (олий навли)*
*3. Дудланган гўшт (O'zDSt 994-2001)*
*4. Товуқ тухуми Д-1 (O'zDSt 626-2004)*
*5. Мева шарбатлари (сок, компот) ГОСТ 656-79, ГОСТ 657-79, ГОСТ 16366-78, ГОСТ 937-72*
*6. Кефир 3,2 фоиз (O'zDSt 1086:2005, O'zDSt 1086:2011)*
*7. Сметана 25 фоиз (жир O'zDSt 1084-2011)*
*8. Творог 18 фоиз (O'zDSt 119-2003с)*
*9. Пишлоқ 40-45 фоиз (жир O'zDSt 628:2001, ГОСТ 7616-85)*
*10. Томат пастаси 25-30 фоиз (ГОСТ 3343-89)*
*11. Картошка (ГОСТ 7176-85)*
*12. Карам маринадланган*
*13. Лавлаги (ГОСТ 1722-85)*
*14. Помидор янги узилган (ГОСТ 1725-85)*
*15. Бодринг барра (ГОСТ 1726-85)*
*16. Помидор маринадланган*
*17. Бодринг маринадланган*
*18. Шолғом (TSh 64-22989371-02:2010)*
*19. Турп (TSh 18-69:2003)*
*20. Редиска*
*21. Қовоқ (ГОСТ 7975-68)*
*22. Саримсоқпиёз 1 фоиз пиёз ҳажмидан йирик*
*23. Тарвуз (ГОСТ 7177-80)*
*24. Қуритилган мевалар (ГОСТ 7336-69)*
*25. Хамиртуруш (дрожжи) (ГОСТ 171-81, ГОСТ 28483-90)*
*26. Сомон, похол*
*27. Пичан, хашак*
*28. Арпа, сули*

Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолияти тақиқланмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таклифлари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2012 йил 13 ноябрь куни соат 17:00 дан кечиктирмасдан тақдим қилиниши керак.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши лозим: маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таклифи, гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар, лицензия, корхона Низоми ва паспорти нусхалари, солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисида маълумотномалар.

**Танлов таклифлари солинган конвертларни 2012 йил 15 ноябрь куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (3-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиш режалаштирилмоқда.**

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 236-29-10, 233-75-11.**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Янгийўл туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2011 йил 28 октябрдаги 1-576/11-сонли ижро варақаларига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Файз" дала ҳовлилар уюшмасида жойлашган, умумий ер майдони 0,0611 га.дан иборат бўлган, дала ҳовли бино иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 16 144 468 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 12 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 9 ноябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz.

Лицензия: RR-0001.

## «МИКРОКРЕДИТБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОМОНАТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**2012 йилнинг 9 ойлик ҳисоботларига аниқлик киритиш ҳамда банк бўлимидаги омонат жамғармангизни таққослаб кўриш мақсадида жойлардаги "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банкининг филиалларига жорий йилнинг 20 октябригача ўзингиз билан шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ва омонат дафтарчаларингизни олиб келишингиз сўралади.**

**Тошкент вилояти филиали.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 3-А уй, тел.: 177-16-07, 250-74-25.**

**Оққўрғон филиали.**
**Манзил: Оққўрғон тумани, Охунбобоев кўчаси, 1-уй, тел.: (8-370) 55-21-812, 55-22-145.**

**Ғазалкент филиали.**
**Манзил: Ғазалкент шаҳри, Бўстон кўчаси, тел.: 177-28-29, (8-370) 74-20-206.**

**Келес филиали.**
**Манзил: Келес шаҳри, Бинокор кўчаси, 8-уй, тел.: 142-00-29, 177-07-40.**

**Пискент филиали.**
**Манзил: Пискент тумани, Мустақиллик кўчаси, 2-уй, тел.: 123-38-73, (8-370) 54-52-509.**

**Паркент филиали.**
**Манзил: Паркент тумани, Алишер Навоий кўчаси, 105-А уй, тел.: (8-370) 72-23-474, 72-22-932.**

ДИҚҚАТ!
**«Солиқ ва божхона хабарлари» + «Норма маслаҳатчи» газеталари комплектига 2013 йил учун обуна давом этмоқда**

**«Солиқ ва божхона хабарлари»** + **«Норма маслаҳатчи»** газеталари комплектига 20 декабргача йиллик обуна бўлган ҳар бир обуначи қуйидаги совғаларни олиш имкониятига эга бўлади:

1 **«Моҳир тахлам»** маълумотлар базасига кириш. Унда «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарининг электрон версиялари мавжуд бўлиб, муҳим материаллар тизимлаштирилган. «Моҳир тахлам» Интернет орқали ҳар ҳафтада янгилаб борилади.

2 **Учта совғабоп рисола.** Рисолалардаги қимматли ахборотлар ўқувчиларимиз учун фойдалидир.

3 Бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш ва бизнес ишини юритишнинг ҳуқуқий асосларига доир масалалар бўйича **бевосита мулоқот ўрнатиш**. Экспертларимиз обуначиларнинг саволларига телефон орқали бепул жавоб беришади.

4 **Дисконт дастурида иштирок этиш:**
– **«NORMAльная карта»** – у 2013 йил давомида иш, рўзғор ва оила учун зарур бўлган кенг турдаги товарларни дисконт дастурининг ҳамкори бўлмиш ташкилотлардан 3 фоиздан 30 фоизгача чегирмалар билан харид қилиш, турли хизматлардан худди шундай чегирма билан баҳраманд бўлиш имконини беради.
– **«restoran.uz»** дисконт картаси – 2013 йил давомида дисконт дастурининг ҳамкори бўлмиш Тошкент шаҳридаги кафе ва ресторанларда 5 фоиздан 30 фоизгача чегирмалар олиш имконини беради.
– **«Дисконтбук»**. Бу дафтарчадаги қирқиб олинувчи чегирмали купон тақдим этилганда, Тошкент шаҳридаги бир қатор дисконт дастурининг ҳамкори бўлмиш ташкилотлар иш, рўзғор ва оила учун зарур бўлган ўз маҳсулотлари ва хизматлари учун тўлов қабул қилганда 5 фоиздан 30 фоизгача чегирма тақдим этадилар. Купонли дафтарчалар йил давомида бир неча марта, турли хил мазмунда чиқарилади.

5 **«Norma» нашриётининг китобларига 5 дан 30%гача чегирма.**

6 **«Мой город. Ташкент» маълумотнома бизнес-картаси.** 11 000 дан ортиқ ташкилот ва улар фаолияти йўналиши ҳақида ахборотни ўз ичига олади, Тошкент шаҳрининг электрон харитасида ташкилотларнинг жойлашувини кўрсатади. Номланиш, муҳим сўзлар, манзил ва телефон рақами орқали тезкор ва қулай излашни таъминлайди.

7 **«YELLOW PAGES Uzbekistan» – 2012/2013 маълумотномаси.** Унда бутун Ўзбекистон бўйича корхоналар, ташкилотлар ва улар тақдим этаётган товар ва хизматлар тўғрисида ахборот мавжуд. Сизни қизиқтирган пойтахт ва республикамизнинг минтақаларидаги ташкилотларнинг манзилларини осонлик билан топиш имкониятини беради.

**Обуна маблағингизни тежайди!**

Маълумотларни **(8-371) 200-00-30, 244-44-29** телефон рақамлари орқали ва www.norma.uz сайтидан олиш мумкин

Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси Зангиота тумани Агросервис касб-ҳунар коллежи директори Эркиной Холмирзаевна Рихсибоевага турмуш ўртоғи

**Анвар Анорбаевич РИХСИБОЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси Чиноз тумани Олмазор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори Исраил Юсупович Бултаковга волидаи муҳтарамаси

**Муқаддам ая БУЛТАКОВА**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

ШАРҚ ЯККАКУРАШИ

# АРҒИНЛИК ЧЕМПИОН

**Ўрта Чирчиқ тумани қишлоқларида хотин-қизлар ўртасида спортнинг бадиий гимнастика, мини футбол, каратэ, теннис, сузиш каби қатор турлари ривожланиб, оммалашиб бормоқда. Спортчи қизларимиз орасидан туман, вилоят ва ҳатто, республика чемпионлари етишиб чиқмоқда. Арғин қишлоғилик Ширин Собирова чемпион қизларимиздан бири.**

Дониёр Султоновдан Шарқ яккакураши спорт турлари сирларини қунт билан ўрганаётган Ширин қисқа фурсат – 4 йил ичида ўз истеъдоди ила катта зафарларга эришди. 12 ёшида каратэ-до бўйича Ўрта Чирчиқ тумани биринчилигида илк бор иштирок этиб, совриндор бўлган қишлоқ қизи, ўша йилнинг ўзида туман чемпионлигини қўлга киритди.

Шундан сўнг вилоят ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда доимо ғолиблар сафида бўлди. 2009 йилда каратэ-до бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида "Sardorbek Diyor" каратэ клуби очиқ чемпионати, Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган "Амир Темур" кубоги, Тошкентдаги "Шотакан" клубида якка тартибдаги каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионатида катта ютуқларга эришди.

Ш. Собирова учун кейинги йиллар ҳам омадли келди. 2010 йилда пойтахтдаги ЖАР спорт саройида ўтказилган каратэ бўйича республика чемпионатида совриндор, 2011 йили Фарғонанинг Бешариқ шаҳрида бўлиб ўтган республика чемпионатида ғолиб бўлди.

Истеъдодли спортчи ўз имкониятларини каратэдан ташқари Турон яккакураши ҳамда универсал жанг турлари бўйича ҳам синаб кўриб, муваффақият қозонди. Жумладан, шу йил Тошкент шаҳрида "Универсал жанг" спорти федерацияси ўтказган Ўзбекистон чемпионатида 55 кг вазн тоифасида фахрли 3-ўринни эгаллади.

Туман ва вилоятимиз фахри бўлган Ширин яқинда халқаро миқёсдаги яна бир йирик ғалабасини тантана қилди. Россиянинг Анапа шаҳрида бўлиб ўтган универсал жанг санъати бўйича жаҳон биринчилигида мамлакатимиз терма жамоаси жами 15 та, шу жумладан 4 та олтин медални қўлга киритиб, мезбонлардан сўнг фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Ш. Собирова шу биринчиликда 16-17 ёшлилар ўртасида барча рақибларини енгиб, биринчилик ғолиби бўлди.

Ҳозирги кунда Ширин Собирова "Универсал жанг" спорти бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида машғулотларда қатнашмоқда.

Арғинлик спортчи қиз яқинда Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро мусобақада иштирок этиб, республика шарафини муносиб ҳимоя қилиш орзусида қизғин машқ қилмоқда.

**Маъмуржон ЖАЙЛОВОВ.**

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ

# ЖАҲОН ВА ОСИЁ БИРИНЧИЛИГИ



Қозоғистон Республикасининг Астана шаҳрида спортнинг белбоғли кураш тури бўйича катталар ва аёллар ўртасида жаҳон чемпионати ва 1992-1999 йилларда туғилган ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Жаҳон чемпионатида Европа ва Осиё қитъаларидаги 34 та давлатдан, Осиё чемпионатида эса 12 та давлатдан ташриф буюрган 200 дан ортиқ спортчилар иштирок этди.

Белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида Россия вакиллари биринчи, Ўзбекистон спортчилари иккинчи ва мезбонлар учинчи ўринни эгаллади.

Қизлар ўртасида 52 кг. вазн тоифасида Замира Аҳмедова биринчи, 58 кг. вазн тоифасида Гулчеҳра Дадабоева 3-ўринни забт этган бўлса, йигитларимиз Мардон Кимсанбоев 62 кг., Ҳусниддин Рўзиев 68 кг., Рустам Умаров, Дониёр Қорабоев 82 кг. вазнда учинчи, Бунёд Тўхтабоев 68 кг., Нуриддин Маҳаматов 100 кг. вазнда иккинчи, Зайловиддин Ортиқов 75 кг. вазн тоифасида биринчи ўринни эгалладилар.

Белбоғли кураш бўйича Осиё чемпионатида қизлар ўртасида Гулчеҳра Дадабоева 58 кг. ва Насиба Аҳмадалиева 66 кг. вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаган бўлсалар, йигитларимиз Ғиёс Мамасиддиқов 57 кг., Элдор Неъматов 82 кг., Шаҳбоз Ҳасанов 90 кг. вазн тоифасида учинчи, Абдулазиз Ваҳобов 62 кг. вазнда иккинчи ва Раҳмат Шомуродов 75 кг. вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллаб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

ХХI аср ва дунё

## ЧАВЕС ЯНГИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТ ТАЙИНЛАДИ

**Венесуэла президенти Уго Чавес янги муддатга қайта сайланганидан сўнг мамлакатнинг собиқ ташқи ишлар вазири Николас Мадурони вице-президент этиб тайинлади, деб ёзади Associated Press.**



Николас Мадуро 10 октябрь куни Элиас Хауа ўрнини расман эгаллади. Энди Элиас Хауа Миранда штати губернаторлигига бўладиган сайловларда ҳукмдор партиядан номзод бўлади.

Уго Чавес яқинда бўлиб ўтган президент сайловларида у ғолиб чиққанлигини расман эълон қилишга бағишланган тантаналар чоғида яхши вице-президент тайинланганини маълум қилди.

1998 йилда биринчи марта Венесуэла президенти курсисига ўтирган Уго Чавес 2012 йил 7 октябрда бўлиб ўтган овоз бериш жараёнида навбатдаги олти йиллик муддатга учинчи бор президент этиб қайта сайланди. У сайловда 54,4 фоиз овоз олди. Унинг асосий рақиби Энрике Каприлес номзоди учун 44,9 фоиз сайловчи овоз берди.

## ИСПАНИЯ РЕЙТИНГИ ИККИ ПОҒОНА ПАСАЙДИ

**Associated Press Испаниянинг узоқ муддатли мустақил кредит рейтинги Standart & Proor's (S&P) рейтинг компанияси томонидан бир йўла икки поғона пасайтирилгани ҳақида хабар тарқатди.**

S&P агентлигининг таъкидлашича, мамлакат иқтисодиётининг орқага кетиши, юқори даражадаги ишсизлик ва ижтимоий норозиликлар ҳукуматнинг молиявий таназзулни енгиб ўтиш имкониятларини чегаралаб қўймоқда. Бунинг устига марказий ва минтақавий ҳокимиятлар ўртасидаги зиддиятлар кучаймоқда. Агентлик таҳлилчиларининг баҳосига қараганда, эндиликда Испаниянинг миллий иқтисодиётига инвестициялар киритиш мақсадга мувофиқ эмас.

Испаниянинг рейтинги ҳақидаги башорат салбий. Агар қироллликдаги иқтисодий шароит яхши томонга ўзгармаса, рейтинг бундан кейин ҳам пасайиши мумкин. S&Pнинг ҳисобича, Испаниянинг иқтисодиёти 2012 йил якунида 1,8 фоиз, 2013 йилда эса 1,4 фоиз пасаяди.

Европа Марказий банки таназзулдан зарар кўрганларнинг қарзларини сотиб олишга қарор қилганди. Аммо, бунинг учун аввал ҳукуматлар ёрдам зарурлигини маълум қилишлари керак. Испаниянинг яқин вақт ичида шу ҳақда мурожаат қилиши кутилмоқда. Лекин ҳукумат иқтисодиётнинг орқага кетиши оқибатларини ҳозирча ўзи мустақил тўғрилашга уринмоқда. Агентликнинг фикрича, инвесторларга Испания иқтисодиёти ҳали баривож эканини кўрсатиш учун ҳам шундай қилинаяпти.




## ЎТА ХАВФЛИ ҚЎПОРУВЧИЛИК ТЎРИ

**Полиция Франция пойтахти прокурори Франсуа Моленнинг гапларига таяниб, Париж яқинидаги гаражда бомба тайёрланадиган устахона борлигини аниқлади, деб хабар тарқатди AFP агентлиги.**




Полиция ислом қўпорувчилар тармоғи фаолиятини текшириш доирасида Париж шарқидаги Торси шаҳарчасида тинтув ўтказди. Натижада шу иш бўйича 12 гумондор шахсдан икки нафари қўлга олинди. Полиция бу ердан тўппонча ҳамда қўлбола бомба ясашда фойдаланиладиган ускуналарни топди. "Афтидан биз ўта хавфли қўпорувчилар тўдасига рўбарў бўлдик" деди Франсуа Молен.

Франция полицияси бироз аввалроқ Страсбург, Канн, Ницца ва Парижда ўтказилган махсус операциялар жараёнида террорчилар уяси аъзолари сифатида гумон қилинганлар қўлга олингани ҳақида хабар берган эди. Бундан ташқари, Страсбург шаҳрида полицияга қаршилик кўрсатган ва уч ходимни ярадор қилган 33 ёшли террорчи Жереми Луи-Сидней отиб ўлдирилганди. Прокурорнинг гапига қараганда, бу марҳум радикал исломчи бўлиб, жиҳод бошлашга шайланган гуруҳ етакчиси дея тахмин қилинганди. Унинг ДНКси Парижга туташ Сарселдаги дўконда содир этилган портлаш жойидаги изларга мос келди.

19 сентябрь куни икки номаълум киши дўконга портловчи қурилма улоқтириб, бир ходимни ярадор қилган эди. Шу воқеа юзасидан ички разведка марказий дирекцияси ҳамда Франция полициясининг террорчиликка қарши дирекцияси тергов бошлади.

BBC Newsнинг маълумотларига кўра, прокурор Молен рейд давомида дўкондаги портлаш ташкилотчилари деб гумон қилиниб, икки киши ушланганини маълум қилди. Шунингдек, нашр Париждаги яхудийлар ибодатхонаси ёнида ҳам пахтавон қуроллардан бир неча бор ўқ узилганини таъкидлади.

## «РОЙ БИРИНЧИ» ВАФОТ ЭТДИ



**Буюк Британия соҳилидан 13 километр нарида, Шимолий денгиз платформаси ҳудудини эгаллаган, ўзини давлат деб эълон қилган Силенд князи Рой Бейтс 91 ёшида ҳаётдан кўз юмди.**

AFP агентлигининг шу ҳақда тарқатган хабарида айтилишича, 1967 йилда ўзини Князь деб эълон қилган собиқ Британия майори Рой Бейтс Англиянинг жанубидаги пансионатда вафот этди. Кейинги бир неча йил давомида у оғир қалтироқ дарддан азият чекиб келаётган эди.

Тан олинмаган Силенд князлиги Иккинчи жаҳон уруши даврида барпо этилганди. Буюк Британия армиясининг истеъфодаги собиқ майори Рой Бейтс 1966 йилда денгиз платформасини қўлга киритиб, орадан бир йил ўтгач, уни мустақил князлик, ўзини Рой Биринчи, оиласини ҳукмдор сулола деб эълон қилди.

1968 йилда Британия ҳукумати платформани эгаллашга ҳаракат қилди-ю, аммо эплай олмагач, Рой Бейтсга қарши суд жараёни бошланди. Бироқ, суд платформа Британия юрисдикциясидан ташқарида деган қарорга келди. Князлик ўз валютаси – силенд долларини зарб этади. Шунингдек, ўзининг конституцияси, байроқ ва рамзига эга. Аммо жаҳондаги бирорта давлат уни тан олмайди. Агар тан олинса, у дунёдаги энг кичкина мамлакатга айланади.

2007 йилда князлик платформани сотиш ниятида эканлигини эълон қилди. Уни The Pirate Bay торрент-сайти эгалари сотиб олиб, ўз ускуналарини ўрнатмоқчи бўлишди. Бироқ, битимга келишолмади.

**Бразилия олий суди мамлакатнинг собиқ президенти Луис Инасиу Лула да Силванинг бир қатор сафдошларини коррупцияда айбдор деб топгани ҳақида хабар берди BBS News.**

## СОБИҚ РАҲБАР САФДОШЛАРИ – КОРРУПЦИЯЧИ



Жазога ҳукм қилинганлар орасида президент маъмурий бошқармасининг собиқ бошлиғи Жозе Дирсеу ҳам бор. У Лула да Силва етакчилик қилган Ишчилар партиясини тузганлардан бири.

Дирсеуни, шунингдек, яна икки нафар партия фаолини парламентдаги муҳим овоз бериш жараёнларида мухолифатчиларни сотиб олиш учун давлат маблағларидан фойдаланганликда айбдор деб топишди. Терговчиларнинг фикрича, бу жиноий ишларда собиқ президент атрофидаги яна 38 киши иштирок этган. Қолган айбдорлар устидан суд ҳали тугагани йўқ.

Аммо, судланувчиларнинг ўзлари айбларини рад этмоқдалар ҳамда бу жараён сиёсий ўч олишдан бошқа нарса эмас демоқдалар. Уларнинг сўзларига қараганда, саъй-ҳаракатларида ҳеч қандай коррупция йўқ.

Агар иш ҳукм чиқаришгача бориб етса, Дирсеу ва унинг ҳамкасбларига 12 йиллик қамоқ жазоси берилиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

# БИЗНИНГ ОҚСОҚОЛ

Янгидан иш бошлаш ҳамма вақт ҳам осон кечмаган. Иш бошида элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ўз манфаатидан кўпнинг манфаатини устун қўядиган одам бўлса, айни муддао.

Ҳамқишлоғимиз Турсунбой Жўраевни йиғин раислигига мингтепаликлар якдиллик билан сайлаб, адашмадилар. Ёши олтмишдан ошган бу одам табиатан камгап, аммо ичингиздагини тезда уқиб олади, оқу қорани тўғри фарқлайди. Ялтоқилик, лаганбардорлик унга ёт. Каттага ҳам, кичикка ҳам бирдек муомалада бўлади.

Котибликка шу қишлоқлик Олимжон Алматовнинг номзоди қўйилганида, гапнинг очиғи, ҳаммадан кўпроқ Турсунбой ака қувонди. Чунки, Олимжон катта-кичик идораларда кўп вақт ишлаб, ҳукуматимиз қонун ва қарорларини сув қилиб ичиб юборган, ҳисоб-китобга ҳам моҳир. Бундай билимдон котибдан Турсунбой ота эринмай, кўп нарсани ўрганади. Мен оқсоқолман деб, кўкрак кериб турмайди.

Маҳаллада қилинадиган ишларнинг ҳали тахи бузилмай турибди. Хонадонларни рақамлаш керак. Томорқага яхши даромад берадиган экинлар экиш, кўп-кўп мевали кўчатлар ўтказиш лозим. Ободончиликни аввало, кўнгилдан бошламоқ жоиз. Кўча-кўй ва ҳовли-жойларда ахлатлар тўпланиб қолишига йўл қўймаслик керак.

Мингтепадаги юздан зиёд хонадон аъзолари ўтган қиш мавсумида табиий газ тақчиллигидан қийналдилар. Ичимлик суви муаммоси ҳам йўқ эмас. Энди бу муаммоларга йиғин фаоллари ҳамжиҳатлик билан жўяли ечим топишлари зарур бўлади.

**Собиржон ИНОМОВ,**
**Пискент тумани.**

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ЧЕТ ЭЛ ХЎРОЗҚАНДИНИНГ ШИРАСИ

Вилоятимиз қўшни мамлакатлар билан чегарадош бўлгани боис кўплаб хориж давлатларига кириб-чиқувчилар шу ердан ўтишади. Шунингдек, ноқонуний мол олиб кириш ёки чиқиш каби қонунбузарликлар ҳам шу ҳудудлардаги айланма йўлларда содир бўлади.

Масалан, Жиноят ишлари бўйича Чиноз тумани судида кўрилган навбатдаги иш бунга яққол мисол. Чинозлик Шерзод Носиров ҳали ёш бўлишга қарамай, анча уддабурон чиқиб қолди. Агар у "учар" бўлмаса, бир йўла 20 нафарга яқин одамни қўшни Қозоғистонга олиб ўтиб, сотиб юборармиди?

У Қозоғистоннинг Алмати шаҳридаги "Олмаотаэнергиясервис" корхонаси ходими Аркадий исмли одам билан олдиндан жиноий тил бириктириб, Ўзбекистондан олиб борган кишиларини унга пуллашга келишиб олди. Музокара пишгач, мижоз излашга тушди. Унинг "бахти"га Қозоғистонга чиқиб ишлашни хоҳловчилар ҳам тезда топила қолди. У унчалик жон куйдиргани йўқ. Чунки, талабгорларнинг ҳаммалари чинозлик эди.

Элбек Амиров, Рустам Тўлаганов, Қувонч Мамбўтаев, Дилшод Исаев, Жўрабек Ҳасанов, Азизжон Раҳмонқулов, Камолиддин Бўтаев, Нозимжон Эшонхўжаев, Бобурмирза Худайберганов, Алишер Ғоипов, Абдураҳим Қўлдошев, Камолиддин Йўлдошев, Суҳроб Абдураҳимов, Тўлқин Қўлдошев, Зоиржон Ниёзов, Дилшоджон Юнусов, Акромжон Аҳмедов каби шўринг қурғурлар ўзларининг нархлари бор-йўғи 100 АҚШ доллари эканлигини билганларида балки, Шерзодга эргашмаган бўлишарди.

Шерзод Носиров Қозоғистонга чиқиб ишловчиларни шундай сеҳрладики, ҳатто, улар арзимаган 300 АҚШ долларилик ойликка қандай рози бўлганларини ҳам сезмай қолишди. Аслида ўша 300 ҳам ҳали бор гапми ёки йўқ, бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтиришмади.

Ишловчиларни ҳам рози қилгач, уларнинг бир гуруҳини 2011 йил 21 апрель куни Чиноз туманидаги "Яллама" божхона пости орқали Ўзбекистондан олиб чиқиб, Аркадийга 100 доллардан пуллади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, пулнинг "мазаси"ни тушуниб қолган Шерзод иккинчи гуруҳ ишловчиларни шу йўл орқали 14 май куни Қозоғистонга олиб чиқиб, мижозга қўшқўллаб топширди. Кейинги гуруҳ ҳам олдингиларнинг қисмати не кечганидан бехабар 25 май куни қўшни давлатга ўтиб, сотилиб кетишди.

Жабрланувчилар у ёқда нима кунларни кўришди, қандай машаққатларни бошдан кечиришди, фақат ўзларига аён. Билганимиз, уларнинг бир буюм мисоли сотиб юборилганлари.

Жиноят ишини кўриш жараёнида Шерзод Носиров ўзини оқлаш учун ҳарчанд уринмасин, қандай важларни келтирмасин, фойда бермади. Чунки, жабрланганлар унинг қилган худбинлигини рўй-рост тасдиқлаб беришди.

Суд ҳукмни эълон қилди. Шерзод Носировга 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Бундан ташқари, жабрланувчилар ваъда қилинган ойлик маошларини ололмаганлари учун етказилган моддий зарарни судланувчидан уларнинг фойдасига ундириш ҳақида ҳам ҳукмда белгилаб қўйилди.

Ажабланарлиси шуки, нима учун ёшлар шу зайлда жиноятга қўл уриб бўлсада, осон пул топиш, шу орқали бойишни ўзларига эп билишмоқда. Яна уялмай, истиҳола ҳам қилиб ўтирмай ҳамқишлоқларию маҳалладошларини ўзларининг манфаатлари йўлида қурбон қилиб юборишмоқда.

Айрим ёшларимизнинг бундай худбин бўлиши, фақат бойлик кетидан қувиш, бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмаётганларининг сабаби нимада? Фарзандларимизга борига шукр қилиб, йўғига сабр билан яшашни, инсон ўзининг эзгу мақсадлари йўлида ҳалол меҳнат қилиши лозимлигини, шу орқали бахтли ва фаровон ҳаётга етишиш мумкинлигини эринмай тушунтириб борсак, бу иллатнинг пайи кесилармиди?

Қолаверса, ҳаётда энг муҳими пул эмас, балки, инсоний соф туйғулар бирламчи эканини аввало ўзимиз теран англаб, фарзандларимизга ўргатмоғимиз лозим. Шунда одам савдоси каби худбинликка қўл ураётганлар ва чет эл хўрозқандининг ширасини қўмсаётганлар ўз заминининг тупроғи қанчалар баракотли эканини тушуниб етишарди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

КЎРГАЗМА

**Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Давлат музейида ташкил қилинган фотоижодкор Алексей Поповнинг "Она юрт кенгликлари" деб номланган шахсий фотокўргазмаси пойтахтда ўтаётган кўплаб санъат соҳасидаги тадбирларга уланиб кетди.**

# ЮРТ ВА ТАБИАТ МЕҲРИ

Маълумки, кўп йиллар давомида Тошкент вилоятининг гўзал манзаралари, бетакрор табиати ижодкорларни илҳомлантирган ва улар рассомларнинг бир-бирини тўлдирган рангтасвир асарларида, фотоижодкорлар олган суратларда ўз аксини топган.

Суратташ Алексей Попов ҳам Бўстонлиқда бўлганида шу диёрга атаб фотокўргазма ташкил қилиш истаги туғилган эди. Унинг экспозициясидан ўрин олган рангли фотолавҳаларида юртимизнинг энг гўзал гўшалари бўлган Хўжакент, Хумсон, Яккатут, Чинор, Бурчмулла ва бошқа қатор гўзал манзараларини, тоғ ва унинг ёнбағридаги қишлоқларни, зилол сувларини кўрамиз. Кўпинча биз кўзимиз кўникиб қолган бу табиатни рангли фотоларда кўриб завқланамиз, ҳайратланамиз. Кўргазмага келган ихлосмандлар экспонатлар ёнидаги давра суҳбатида ана шу ҳақда фикр алмашишди.

Фотоижодкор Алексей Попов фотосанъат соҳасида кўп йиллик тажрибага эга. Ўз устида ишлайди. Республика ва пойтахт газеталарида у олган суратлар тез-тез чиқиб туради. Ўтказилаётган санъат кўргазмаларида ҳам ўзининг ижоди билан бир неча марта қатнашган. Илк шахсий кўргазмаси 2007 йилда Тошкент шаҳрида бўлган.

Кўргазма намойиши давом этмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

БИЛАСИЗМИ?

**ТОҒДА ЎСГАН ДЎЛАНА**

Юртимизнинг тоғли ҳудудларида ўсадиган дўлананинг фанга маълум 100 га яқин нави бор. Мевасининг таркибида 20 фоиз қанд, 8 фоиз ёғ ҳамда $B_1$, $B_2$, C, E витаминлари бўлиб, улар инсон саломатлиги учун фойдалидир.

Халқ табобатида дўланадан сафрони сўндириш, ични тўхтатишда фойдаланилган. Бундан ташқари у асабни тинчлантиради, юракка дармон бўлиб, қон айланишини яхшилайди. Қон босими кўтарилишининг олдини олишда ҳам дўлана асқотади.

РАССОМ ХАНДАСИ




Утерянный шаходатнома о 9-ти летнем образовании за O`RD № 744518, выданный в 1998 году общеобразовательной школой № 3 Бостанлыкского района Ташкентской области на имя Абдухамидовой Гулнозы Абдукаримовны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Аввал Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 28.03.2008 йилда 07-000694 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AAR-MINA" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонага ўзгараётганлиги ва "AAR-MINA" хусусий корхонасининг ҳуқуқий вориси эканлиги, шунингдек, унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан жавоб беришини маълум қилади.

ДП "ISHAN GROUP" (ИНН 206804380), зарегистрированное в Мирзо Улугбекском районе г. Ташкента преобразуется в ИП ООО "ISHAN GROUP", который является правопреемником ДП "ISHAN GROUP" и отвечает по всем его обязательствам. Тел.: 262-65-21.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 2009 йил 27 майда 26/7 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MUZIMPEX-FRUITS" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 301200786) устав фондини 1550000000 сўмдан 851867769,98 сўмга камайишини маълум қилади.

В связи с выходом из состава учредителей ОАО "Тоштукимачи", размер уставного фонда СП ООО "TOSH-ROSS-TEXTIL" (ИНН 300343245. юридический адрес: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Кушбеги, дом 6) уменьшается с 7000000,00 долларов США на 4900000,00 долларов США.

В связи с выходом из состава учредителей ОАО "Тоштукимачи", размер уставного фонда СП ООО "ROAD SILVER SILK" (ИНН 206813323, юридический адрес: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Кушбеги, дом 6) уменьшается с 1000000,00 долларов США на 800000,00 долларов США.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1042. Адади 6906. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40. 12345